2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 25 (814), 2023 йил 7 февраль, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз ва биродар ўзбек халқига Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табриклар ва энг эзгу тилакларни йўллаш мен учун катта шарафдир.

Ўтган йиллар давомида анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч ришталарига асосланган икки томонлама биродарлик алоқалари ҳамкорликнинг тобора янги йўналишларини қамраб олган ҳолда муттасил ривожланди.

Бугунги кунда Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларининг мазмуни давлатлараро шерикликнинг устувор йўналишлари ва истиқболларига нисбатан қарашларимизда ҳам, глобал ривожланиш тенденцияларига оид қарашларимизда ҳам ўртамиздаги ўзаро англашув билан белгиланаётганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Туркманистон ва Ўзбекистонни халқаро ҳаётга оид муҳим масалаларга ёндашувларнинг ўхшашлиги ёки мослиги боғлаб туради.

Бу мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида йўлга қўйилган тизимли ҳамкорлигида ҳам ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳам яхши суръат намойиш этмоқда, савдо айланмаси мунтазам ошиб бормоқда, энергетика, транспорт-коммуникация ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам фаол равишда кенгаймоқда.

Маданият, илм-фан, таълим соҳаларидаги икки томонлама алоқалар ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Бу эса халқларимизни янада яқинлаштириш, азалий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш учун кўприк вазифасини ўтамоқда.

Туркманистон ва Ўзбекистоннинг стратегик шериклиги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бундан кейин ҳам умумий фаровонлик йўлида жадал суръатлар билан ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Сўзим якунида Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

**Қадрли қардошим!**

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўтган ўн йилликлар давомида чинакам биродар давлатларимиз азалий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналарига таянган ҳолда стратегик шериклик даражасига ҳар томонлама мос бўлган кўп қиррали муносабатларнинг барпо этилишига эришдилар.

Биз мамлакатларимиз ўртасида қарор топган конструктив ва мазмундор мулоқотни юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз. Олий ва юқори даражадаги изчил алоқалар бунга ёрқин мисолдир. Шу маънода таъкидлаш лозимки, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли ришталарни фаоллаштиришда Сизнинг шахсий ҳиссангиз ва доимий эътиборингиз беқиёсдир.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан давлатлараро ҳамкорликнинг барча йўналишлари янада ривожланишини таъминлаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик, қардош ўзбек халқининг фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат ва энг эзгу тилаклар ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси,**
**Туркман халқининг Миллий Етакчиси**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг жануби-шарқий вилоятларида рўй берган кучли зилзила оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Биродар Туркия халқига, вафот этганлар ва жабрланганларнинг оилалари ва яқинларига далда сўзлари билдирилди.

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. 7 февраль куни Ўзбекистондан Туркияга гуманитар ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳи жўнатилиши режалаштирилган.

Икки томонлама кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА**

## ХИТОЙ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Цзян Янни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдаги сермаҳсул ишлари ва фаол саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муваффақиятли ўтди.

Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки баробар кўпайди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони уч баробарга ошди. Йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича амалий ҳамкорлик бошланди.

Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда, таълим, соғлиқни сақлаш, археология, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан икки томонлама муносабатларда бугунги даражага эришилишига қўшган шахсий ҳиссаси учун элчи Цзян Янь мамлакатимизнинг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

**ЎзА**

## ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 6 февраль куни энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда энергия етказиб бериш ва ҳисоб-китоб тизимидаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди. Январь ойидаги совуқ бу борада бошқарув ва назорат сусайиб кетганини яққол кўрсатди. Мутасадди ташкилотлар автоматик ҳисоблаш тизими электр энергиясида 92 фоиз, табиий газ бўйича 98 фоиз ўрнатилган, деб ҳисобот берган. Лекин ҳалигача дебитор қарздорлик юқорилигича қолмоқда.

Туманлардаги тармоқ идоралари электр ва газга уланишга ҳисоб-китоб ва таҳлилларсиз рухсат беряпти. Масалан, Тошкент шаҳрининг 120 та маҳалласида трансформаторлар юкламани кўтармагани учун бир ойнинг ўзида 5-6 марталаб таъмирланган.

Ҳанузгача тизимда ўғирлик жуда катта. Ресурслар хўжасизларча талон-тарож қилиняпти. Биргина декабрь ойида электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш бўйича 12 мингдан зиёд ҳолатда 600 миллиард сўмлик зарар аниқланган. Автомобилларга газ қуйиш шохобчалари устидан назорат бутунлай издан чиққан.

Шулардан келиб чиқиб, энергетика соҳасида назоратни кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича янги тизим белгиланди. Бу тизимга энергетика назорати бўйича икки йил фавқулодда тартибда ишлаш вазифаси қўйилди. Энергоинспекция ва Мажбурий ижро бюросининг ишини такомиллаштириш, электр ва табиий газга уланишда янгича ёндашувларни жорий қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда энергетика инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг рақамли харитасини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Бунда аукционга чиқарилаётган ерларнинг жойлашуви, энергетика, коммунал ва ижтимоий инфратузилма қуввати аниқ кўриниб туради.

Йиғилишда мутасаддилар янги тизимни амалга ошириш масалалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРМОҚДА



**Президентимизнинг ҳудудлар иқтисодиёти, одамлар ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида Андижон вилоятига амалга оширган навбатдаги ташрифи доирасида аҳоли вакиллари, тадбиркор ва ишчи-хизматчилар билан ўтказган самимий мулоқотлари андижонликларни янги мақсад ва марралар, ташаббуслар сари руҳлантирди, кайфиятини кўтарди.**

Бу бежиз эмас. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кўҳна Андижонда юрт тараққиёти, эл фаровонлиги ва ободлиги йўлида айтишга арзигулик ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йил вилоятдаги 473 маҳаллада умумий қиймати 581 миллиард сўмлик 526 лойиҳа амалга оширилди.

Натижада йиллар давомида қаровсиз ва эътибордан четдан қолган ички йўллар асфальтланди, шағал ётқизилди. 70 километрга яқин масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 100 дан ортиқ янги трансформатор пунктлари қурилди. “Темир дафтар”даги эҳтиёжманд оилалар хонадонига қуввати 5900 литр бўлган қуёш сув иситиш қурилмаси ҳамда 37 тасига 55 кВт.ли қуёш панеллари ўрнатилди. 212 нафар эҳтиёжманд фуқарога 1,6 миллиард сўмлик субсидия асосида асбоб-ускуна етказиб берилди.

Қишлоққа саноатни олиб кириш, нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилган инвестициявий лойиҳалар кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Одамларнинг кайфияти юқори, иштиёқи баланд.

Давоми 3-бетда



АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 582 ЙИЛЛИГИ



## ГАВҲАРЕ ТОПТИМ, АНИ КЎНГЛУМДА ПИНҲОН АЙЛАДИМ...

### ЁХУД АФҒОНИСТОН НАВОИЙШУНОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Азизуллоҳ Арол ҳозирги кунда Афғонистонда энг катта луғат ҳисобланмиш “Ўзбек тилининг миллий қомуси”ни ниҳоясига етказиш билан банд. АҚШ фуқароси бўлган тадқиқотчи оиласи билан Калифорния штатида яшайди. У Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг матншунослик ва адабий манбашунослик кафедраси ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бориш билан бирга, “Афғонистонда навоийшунослик” мавзусидаги PhD илмий даражаси диссертацияси устида ишламоқда. Фидойи олим билан хорижда мутафаккир бобомизнинг ҳаёти ва ижоди қандай тадқиқ этилаётгани, дунё аҳлини ҳамон ҳайратга солаётган ноёб мероси ҳақида суҳбатлашдик.

Давоми 6-бетда

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

## РАҚАМЛИ КЎПРИК

### АҲОЛИНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА КАМАРБАСТА БЎЛЯПТИМИ?

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budjet" Portali

**Амалдаги тамойилга кўра, “Ташаббусли бюджет” жараёнлари ҳар йили икки марта — 3 босқичда амалга оширилади. “Очиқ бюджет” порталида эълон қилинишича, унинг жорий йилдаги биринчи мавсуми 6 февралдан 7 апрелгача ўтказилади.**

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news



Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, икки мамлакатнинг равнақига хизмат қилишига ишонамиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

**Тошкентда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

7 февраль куни нишонланаётган юбилей санаси арафасида ташкил этилган дўстлик кечасида вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари етакчилари, маданият ва санъат намояндалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Байрам кечаси иштирокчиларини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев ва Туркманистон элчиси Язгули Маммедов қутлаб, уларни ушбу муҳим сана билан қизғин табриклади.

— Туркманистон билан 2017 йилда стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланган бўлса, ўтган йилда муносабатларимиз чуқурлашган стратегик шериклик даражасигача олиб чиқилганини мамнуният билан қайд этиш ўринлидир, — деди Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев. — Савдо-иқтисодий ҳамкорликда салмоқли кўрсаткичларга эришилди. Ўзаро савдо айланмаси сўнгги йилларда 5 баробарга ортиб, қарийб 1 миллиард долларга етди.

— Икки қардош давлат ўртасида ўрнатилган олий даражадаги алоқалар, очиқ ва ишончли мулоқот стратегик муносабатлар учун мустаҳкам асос бўлаётгани қувонарли ҳол, — деди Туркманистон элчиси Язгули Маммедов. — 2022 йилда икки давлат раҳбарлари уч марта — Тошкент, Самарқанд ва Ашхободда учрашдилар. Савдо-иқтисодий шериклик, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган турли тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Ҳукуматлараро комиссия мажлислари, ишбилармон доираларнинг учрашувлари фаол ташкил этилмоқда. Ўтган йили Бухорода биринчи Туркманистон — Ўзбекистон минтақалараро форуми бўлиб ўтди. Сиёсий йўналишда мамлакатларимиз фаол ҳамкорлик қилмоқда, икки ва кўп томонлама форматларда бир-бирини муваффақиятли қўллаб-қувватламоқда.

Тантанали кечанинг ёрқин ва бой концерт дастури асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг самимий дўстлиги, қардошлиги ва яхши қўшничилигининг тимсоли бўлди.

Байрам доирасида ташкил этилган миллий амалий санъат, ҳунармандликнинг ёрқин намуналари, фотосуратлар ва "Туркий адабиёт дурдоналари" китоб жилдлари кўргазмалари иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Дипломатик корпус вакиллари ва байрам кечасининг бошқа меҳмонлари Ўзбекистон — Туркманистон дипломатик муносабатларининг юбилей санаси муносабати билан ўз табрикларини изҳор этди.

БИЗ ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЧУҚУРЛАШГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАНИГА ГУВОҲ БЎЛИБ ТУРИБМИЗ. БУНДАН БАРЧАМИЗ МАМНУНМИЗ, ЧУНКИ МАЗКУР ВОҚЕЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ОМИЛДИР.

**Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА, Республика туркман миллий маданий маркази раиси:**



— Бугун туркман ва ўзбек халқлари учун тарихий кун — мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини биргаликда кенг нишонламоқдамиз, эришилаётган ютуқларимиздан қувонмоқдамиз.

**Биз давлатларимиз раҳбарларига халқларимиз тарихидаги ушбу муҳим воқеага берилаётган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирамиз.**

Бугунги тадбирда ҳам асл ҳунармандликнинг ажойиб намуналари, анъанавий қадриятларимиз намойиш этилмоқда, икки халқнинг бетакрор мусиқа санъати дурдоналари янграмоқда. Биз буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Махтумқули меросига ҳурмат бажо келтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек ва туркман халқларини ушбу қутлуғ сана билан табриклайман, дўстлигимиз мустаҳкам ва абадий бўлсин, мамлакатларимиз равнақ топиб, бир-бирига доимо мустаҳкам ва ишончли шерик бўлиб қолсин!

**Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ватикан Мувaққат ишлар вакили:**



— Бугун Марказий Осиёнинг икки қўшни давлати — Ўзбекистон ва Туркманистон учун катта байрам. Бу мамлакатларни умумий тарих, маданият, тил, энг муҳими — самимий дўстлик ва ўзаро тушуниш бирлаштириб келмоқда.

Биз икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар чуқурлашган стратегик шериклик даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундан барчамиз мамнунмиз, чунки мазкур воқелик Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик, тараққиётга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Икки давлат табиий ресурсларга бой ҳамда бу жиҳат ўзаро манфаатли ва самарали муносабатларни ривожлантириш учун муҳим асос бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги, шунингдек, бутун Марказий Осиё даражасидаги ҳамкорлик янги суръат касб этгани жуда қувонарлидир. Бу ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори даражасидан далолат беради.

Ўзбек ва туркман халқларини ушбу дўстлик байрами билан табриклайман, уларга фаровонлик тилайман!

**Зураб АБДУШЕЛИШВИЛИ, Грузия элчиси:**



— Ўзбекистон бугун, биринчи навбатда, минтақа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юксалтириш, Европа ва Осиё ўртасидаги ушбу муҳим маконда самарали, ўзаро манфаатли икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари билан ҳақли равишда етакчи давлат саналади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақада дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган минтақавий сиёсатининг қадри юксакдир. Бу сиёсат "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган азалий ҳикмат асосига қурилган. Бу эса мутлақо оқилона ва вақт синовидан ўтган ёндашув бўлиб, мазкур ҳикматли тушунча бугунги кунда барча Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий шиорга айланганидан хурсандмиз.

Ўзбекистон ва Туркманистон дипломатик муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш муносабати билан икки давлат алоқалари даражаси минтақанинг барча мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка ҳам хос бўлган дўстлик ва яхши қўшничиликнинг яққол намунаси эканини таъкидламоқчиман.

**Муса ЖАМАНБОЕВ, Қирғизистон элчиси:**



— Минтақада барчамиз қўшнимиз, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳам яқин қўшниларимиздир. Барчамизни кўп асрлик ришталар боғлаб турибди ва бугун биз дўстларимиз билан биргаликда икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллигини нишонлаяпмиз.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилганидан мамнунмиз ва икки давлат бундай ҳамкорликни муваффақиятли давом эттиришига ишонамиз.

Халқларимизда "Узоқ қариндошдан яқин қўшни афзал" деган нақл бор. Биз ҳам қариндош, ҳам қўшнилармиз. Бугун эса барчамиз буни яхши англаяпмиз ва умумий тараққиётимиз манфаатларига хизмат қилишга интиляпмиз.

Биз биродарларимизни чин юракдан табриклаймиз ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришда янада улкан муваффақиятлар тилаймиз!



**Ҳусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:**



— Ушбу муҳим кунда Марказий Осиё минтақасининг халқаро майдондаги роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган очиқ ва конструктив минтақавий сиёсат, шунингдек, ушбу сиёсатни барча Марказий Осиё давлатлари бир овоздан қўллаб-қувватлаётгани самарасида амалга оширилди.

Барчамизга маълумки, яқин вақтгача минтақа салоҳиятининг тўлиқ очилишига, ундан унумли фойдаланишига тўсқинлик қилган қатор ҳал этилмаган масалалар бор эди. Бироқ бугунги кунда минтақа давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли жуда қисқа вақт ичида мамлакатлар ҳақиқий дўст, ака-ука ва қўшни сифатида барча масалалар бўйича келишувларга эришмоқда. Улар ўзининг самарасини бермоқда ва бу ҳамма учун бирдек катта ютуқдир.

Ўзбекистоннинг минтақадаги бирлаштирувчи ролини олқишлаймиз, барча қўшни давлатларга тинчлик ва халқлар фаровонлиги йўлида муваффақиятли ҳамкорлик қилишни тилаймиз.

**"Дунё" АА**

# МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИНИ ЧАМБАРЧАС БОҒЛАБ ТУРАДИ

## Ашхободдаги "Тошкент" сайилгоҳида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди

**Мамлакатимиз элчихонаси томонидан Туркманистон Ташқи ишлар ва Маданият вазирликлари билан ҳамкорликда Ашхобод шаҳридаги "Тошкент" сайилгоҳида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган концерт дастури ва миллий таомлар фестивали ташкил этилди.**

Унда Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, маданият вазири Атагелди Шамурадов, таълим вазири Гурбангул Атаева, Туркманистон Мажлиси депутатлари, вазирлик ва идоралари раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатия миссиялари раҳбарлари, шунингдек, ушбу мамлакатдаги ўзбек жамоатчилиги фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Байрамнинг очилиш маросимида Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Рашид Мередов йиғилганларни ушбу сана билан самимий қутлади.

— Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йил тарихий аҳамиятга эга давр ҳисобланиб, асрлар давомида ёнма-ён яшаб, ўз давлатларини барпо этиб ҳамда умуминсоний қадриятларни илгари суриб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг ўзаро биродарлик алоқаларининг ривожланиши, мустаҳкамланиши, чуқурлашиши ва кенгайишида муҳим босқич бўлди, — деди Туркманистон ташқи ишлар вазири. — Туркман ва ўзбек халқларининг атоқли фарзандлари дунё цивилизацияси хазинасига, илм-фан, адабиёт, маданият, санъат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига ўзларининг улкан ҳиссасини қўшган. Бугун мамлакатларимиз ушбу бой меросга асосланиб, ўз давлат раҳбарлари бошчилигида мазкур шарафли йўлни муносиб давом эттирмоқда. Туркманистон ва Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки минтақадан ташқарида ҳам яхши қўшничиликнинг намунаси сифатида эътироф этилаётир. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси асосида ўзаро алоқалар юқори даражада ривожланмоқда. Ўтган йили Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга давлат



ташрифи, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга расмий ташрифлари, шунингдек, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси — туркман халқининг Миллий етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Самарқандда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида иштироки амалга оширилди. Бу воқеаларнинг барчаси икки биродар давлатларнинг бугунги кунда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган умумдунёвий тенденцияларни ривожлантириш йўлида ёнма-ён, елкама-елка бораётганини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг Туркманистондаги элчиси Акмал Қўчқоров икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган самимий дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромга асосланган мулоқот натижасида бугунги кунда мамлакатларимиз алоқалари янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий соҳалардаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Буни икки давлат етакчилари томонидан олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсат натижаси деб биламиз, — деди Ўзбекистон элчиси. — Биргина ўтган йилнинг ўзида олий даражадаги қатор ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Дашогуз шаҳрида ўзбек-туркман дўстлиги фестивали муваффақиятли ўтказилди. Шу ўринда, ўзбек ва туркман халқларини чамбарчас боғлаб турган умумий тарих, маданият, урф-одат ва қадриятлар давлатларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилаётганини қайд этиш жоиз.

Тантанали тадбирнинг Ашхобод шаҳридаги "Тошкент" сайилгоҳида ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга бўлди. У Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида аҳил қўшничилик ва дўстлик муносабатларининг юксак даражаси ҳамда халқларимизнинг ўзаро яқинлиги ва ҳамжиҳатлиги тимсолидир. Тошкент шаҳридаги "Ашхобод" сайилгоҳи ҳам Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ва меҳмонлари учун энг севимли дам олиш масканларидан бирига айланганин, икки давлат пойтахтларида истироҳат боғлари ташкил этилиши халқаро муносабатлар амалиётида чинакам ноёб воқеа экани таъкидланди.

Байрам анжумани иштирокчилари учун ўзбек ва туркман тилларида концерт дастури намойиш қилинди. Буюк шоир, аллома ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий ва туркман мутафаккири Махтумқули ижодига бағишланган мушоира ташкил этилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ашхободдаги маркази раҳбари Жон МакГрегор ўзбек ва туркман дўстлигини тараннум этадиган ушбу байрам тадбирида иштирок этаётганидан мамнунлигини таъкидлади.

— Мен ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатингизда беш йил ишладим ва сўнгги икки йил давомида Ашхободда фаолият олиб боряпман, — деди у. — Ушбу давлатлардаги фаолиятим давомида ўзбек ва туркман халқлари ўртасида жуда кўп ўхшашликларни кўрдим. Хусусан, икки дўст миллатни умумий тарих ва маданият чамбарчас боғлаб туради. Мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган байрам тадбири жуда ҳам аъло даражада ўтмоқда. Унда ижро этилаётган бетакрор ашула ва рақслар барчага қувонч ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Тантанали тадбир доирасида байрам дастурхони ёзилиб, ўзбек миллий таомлари улашилди.

**"Дунё" АА**
*Ашхобод*

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official






**Президентимиз 2021 йил 17 июнь куни Андижон туманида адирликда “Янги Андижон” шаҳри қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақт давомида йилларга татигулик бунёдкорлик ва ободонлик ишлари амалга оширилди. Кўз ўнгимизда дунёнинг мегаполис шаҳарлари билан бўйлашаётган “Янги Андижон” ўзига хос тимсоллар асосида яратилмоқда.**

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:
# ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАР БИР ХОНАДОНГА КИРИБ БОРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

## Бўстоннинг номи оламга достон

Янги Ўзбекистон тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб бораётган Бўстон туманида янги ташаббуслар қулоч ёймоқда. Бундан беш-олти йил аввал ушбу туман ҳақида сўз борса, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалий ишлари эътироф этиларди. Сабаби, кўҳна Андижоннинг ғарбий қисми, Марказий Фарғона ерларида жойлашган туманга яқин йилларгача фақат хомашё етказиб берувчи ҳудуд сифатида қаралган. Айтишга арзигулик саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари йўқ эди ҳисоби. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша, ишсизлик юқори бўлган. Бугун бу ердаги ҳолат, манзара тубдан ўзгарди.

Етмиш беш мингдан ортиқ аҳоли яшаётган Бўстон тумани вилоятда саноатлашган ҳудуд сифатида эътироф этилаётир. Хусусан, 2022 йилнинг ўзида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида 550 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 202,6 миллиард сўмлик 35 лойиҳа ишга туширилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бўш турган ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилди. Аҳолини касб-ҳунарга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳисобига 23 мингдан ортиқ фуқаро бандлиги таъминланди.

Туман иқтисодий қудратининг юксалишида яқинда ишга туширилган





“Сайёра фаввораси” МЧЖ тўқимачилик корхонасининг ўрни катта. Корхона энг замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланди. Бу ерда “Elegance SM” бренди остида эркаклар, аёллар ва болалар учун йилига 50 турдан ортиқ 1 миллион 200 минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Мингга яқин аҳоли бандлигини таъминлаган корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ишлаб чиқариш йўналишида йиллик экспорт ҳажми 4 миллион АҚШ долларидан ошади.

— Чекка қишлоқда замонавий корхона қурилгани оиламизга фаровонлик, тўкинлик ва файзу барака олиб келди, — дейди корхона ишчиси Гулбаҳор Ҳожиматова. — Президентимизга раҳмат. Тикувчилик йўналишида касб-ҳунарга эга бўлсам-да, ишлашим учун имконият йўқ эди. Янги корхона бу борада бизга йўл очди. Кенг ва ёруғ хоналарда замонавий андазаларга мос маҳсулот яратаётганимиздан фахрланамиз. Уч миллион сўмдан ортиқ маош оламан. Меҳнат стажи, бепул иссиқ овқат, ишга бориб-келиш учун транспорт хизматлари йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари корхонамиз фаолияти билан танишиб, бу каби замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини янада кўпайтириш ҳақида айтган таклифлари мен каби кўплаб хотин-қизлар ва ёшлар кўнглини кўтарди, янги мақсадларга даъват этди.

Корхонада ишлаш истагида бўлган ёшларнинг касбий малакасини ошириш, ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ўқув маркази ташкил этилди. Жараённинг дастлабки босқичида 200 нафардан ортиқ эҳтиёжманд хотин-қиз касбга ўқитилиб, ишга қабул қилинди.

— Президентимизнинг оддий одамлар билан қилган самимий мулоқотлари бизни янада руҳлантирди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди туман ҳокими Санобар Расулова. — Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз кўп. Жорий йилда 24 минг 353 нафар ишсиз фуқаро бандлигини таъминлашни режалаштиряпмиз. Бу ўтган йилга нисбатан 1500 тага кўп. Айниқса, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш, инвестиция дастурларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, туризм ва маданият соҳаларида янги ташаббус ва лойиҳаларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

## Оддийликдан мураккабликка

Тадбиркорларга эркинлик бериш, уларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Натижада бозор талабларига мос бўлган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, янги қувватлар ишга туширилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

“Elegant shoes and“ пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси Шаҳрихон туманида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Андижон — Шаҳрихон катта автомобиль йўли бўйида қад кўтарган ушбу 4 қаватли мажмуада 60 турдаги пойабзал ишлаб чиқариляпти.

— Давлатимиз раҳбарининг биз ишлаётган цехга келиб, самимий суҳбатлашгани қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, — дейди оддий ишчи Раҳимахон Шералиева. — Президентимиз корхонада яратиб берилган шароитлар, оилавий аҳволимиз, одамлар даромадини ошириш, хотин-қизларнинг касб, билим ва малака эгаллашига эътибор бериш, она рози бўлса, оила, жамият ҳам рози бўлиши хусусида айтган пурмаъно сўзлари ҳали-ҳануз қулоқларим остида жаранглаб турибди. Бугунимиз, эртанги фаровон кунимиз учун қанчалик қайғураётганини чин дилдан ҳис қилдик, севиндик. Авваллари бундай замонавий корхоналар чекка жойларда ишга туширилишини хаёлимизга ҳам келтира олмас эдик.

Тармоқ кўргазма залидан ўрин олган бежирим ва сифатли маҳсулотлар ҳар қандай киши эътиборини тортади. Улар юқори сифати ва бежирим кўриниши билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бу ерда йилига 2 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади, 1000 дан ортиқ хотин-қиз ва ёшлар иш билан таъминланади.

— Ўтган йили 970 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич салмоғи 4 ҳисса ортади, — дейди тадбиркор Ёдгоржон Ҳакимов. — Бу сўнгги чегара эмас. Президентимизнинг фаолият кўламимизни янада ривожлантириш истиқболлари, хусусан, уйда ўтирган аёлларни касаначилик асосида ишга жалб этиш, хомашёларни маҳаллийлаштириш орқали корхоналарни ривожлантиришга кўмак бериб, кластерга айлантириш борасида билдирган фикрлари соҳа ривожида катта имконият эшикларини очади. Айни кунларда Европа бозорлари талабларига мос бўлган маҳсулот турларини яратиш борасида иш олиб боряпмиз.



## “Оиламиз ҳаётидаги энг қувончли кун”

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари яқин ва чекка қишлоқларда умргузаронлик қилаётган одамлар ҳаётини ўзгартирди. Эндиликда ободлик ва бунёдкорлик билан боғлиқ ишлар ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда кенг қулоч ёймоқда.

Кўҳна Андижоннинг шимоли-шарқидаги “Садда таги” маҳалла фуқаролар йиғини бугун кўпнинг эътибори ва эътирофида. Сабаби, бу ерда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган шарт-шароитлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпга ибрат.

Президентимиз 3 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли яшаётган кўҳна маҳалла ҳаёти билан танишди. Содда ва дилкаш кишилар билан ҳамсуҳбат бўлди. Маҳаллада ҳар бир оила ердан унумли фойдаланиш ҳадисини олган. Бундан ташқари, паррандачилик, узумчилик ва иссиқхоналар ташкил этиб, мўмай даромад олишда ўзига хос тажрибалари бор. Маҳаллада бўлган киши текис ва равон йўллар, сифатли сув таъминоти, саранжом-сариштa хонадонларни кўриб, баҳри дили очилади.

Президент Шавкат Мирзиёев меҳмон бўлган Диёр Мамадалиев хонадонини топиш қийин кечмади.

Андижонликларга хос самимият билан бизни ичкарига таклиф қилишди. Саранжом-саришта, тартиб билан экилган дов-дарахтлар, қиш қаҳридан ҳимоялаш мақсадида плёнка остига олинган турфа гуллар мўъжаз хонадонга ўзгача тароват бағишлайди.

Андижонда аҳоли зич яшайди, уй-жойга бўлган талаб ҳам катта. Диёр Мамадалиев хонадонида ҳам беш оила аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Хонадонда тажриба тариқасида барча қулайликларга эга, камхарж, иссиқ-совуқ ва ёнғинга чидамли, енгил конструкцияли уй қурилди. Бири 150 квадрат метр, бошқаси 108 квадрат метр бўлган ушбу арзон уйлар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

— Президентимизнинг биз билан қурган самимий мулоқотидан илҳомландик, — дейди Д.Мамадалиев. — Кенг ва шинам замонавий уйларимиз билан танишди, муборакбод этди. Бундай тажрибаларни оммалаштириш, аҳолининг уй-жойга бўлган танловини янада кенгайтириш, эҳтиёжмандлар учун мана шундай қулай ва арзон уйлар кераклигини таъкидлади. Зарур жиҳозларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш борасида фикрлар билдирди. Авваллари бундай замонавий уйларни қуришни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Битта уй қуриш учун йиллаб вақт ва катта маблағ сарфлаганмиз. Энди бутунлай бошқача. Ҳаракат қилсак, ҳамма нарсага эришиш мумкин эканини кўриб турибмиз. Ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, руҳлантирган Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Хонадон томорқасида 2 сотих иссиқхона ташкил этилган. Айни кунда турли зиравор экинлар парваришланмоқда. Яқин кунларда эртапишар



бодринг кўчатлари экилади. Бундан ташқари, турли доривор гиёҳлар ва манзарали гул кўчатлари етиштириш йўлга қўйилган.

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

— Президентимиз ташаббуси билан маҳалламизга яқин ҳудудда қурилаётган “Янги Андижон” шаҳрида ишга туширилган “Best impeks” корхонасида ишлайман, — дейди хонадон бекаси Зиёдахон Мамадалиева. — Янги уйда ҳамма нарса мужассам. Айниқса, аёл киши учун қиш-қировли кунларда қулай шароитларда яшаш, уй юмушларини бажариш, мазали таомлар тайёрлашнинг гашти ўзгача. Давлатимиз раҳбарига янги уйда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида гапириб бердим. Мени қўллаб-қувватлади. Ҳамма мендан суҳбат ҳақида сўради. Оддий ва самимий руҳда ўтган мулоқот тафсилотларини айтиб чарчамайман, аксинча, куч-қувват оламан. Ахир бу кун оиламиз ҳаётида энг қувончли ва эсда қоларли лаҳзаларга бой бўлди.

## Бу ерда яшашнинг завқи бошқача

Президентимиз ташаббуси билан бошланган ”Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил ҳар жабҳада бўй кўрсатмоқда. Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар оилалар ва маҳаллалар ҳаёт тарзини ўзгартириш имконини берди.

Президентимиз 2021 йил 17 июнь куни Андижон туманида адирликда “Янги Андижон” шаҳри қурилишига тамал тоши қўйган эди. Ўтган қисқа вақт давомида йилларга татигулик бунёдкорлик ва ободонлик ишлари амалга оширилди. Кўз ўнгимизда дунёнинг мегаполис шаҳарлари билан бўйлашаётган “Янги Андижон” ўзига хос тимсоллар асосида яратилмоқда. Кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши жадаллик билан олиб боriляпти. Бундай роҳатбахш манзаралар кўнгилда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Баланд-пастликлардан иборат адирлик бағрида барпо этилаётган файзли ва обод кўчалар, баланд иморатлар яратувчиликнинг ёрқин тимсоли.

Давлатимиз раҳбари бу ерда қайта тикланувчи манбаларни оммалаштириш, тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олдинда турган вазифалар кўламига эътибор қаратди. Бу ерда қурилаётган ҳар бир уй энергиятежамкор технологиялар билан жиҳозланиб, том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

— Улкан иншоот қурилишида иштирок этаётганимиздан фахрланамиз, — дейди “Зиё-2002” МЧЖ иш бошқарувчиси Исроилжон Комилов. — Шу кунга қадар битта 7 қаватли энергиятежамкор уйни қуриб битказдик. Хонадонларни иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш панелларидан фойдаландик. Бундан ташқари, биноларнинг ташқи томони базальт билан қопланди. Бу қурилиш ашёси хоналарни қишда совуқдан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди. Шунингдек, кириш йўлакларига ҳам тежамкор электр манбалари ўрнатилаётгани энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, беҳуда исрофгарчиликларга йўл қўймаслик имконини беради.

Янги шаҳар қурилиши ўзига хос меъморий ечимга эга лойиҳалар асосида қад кўтараётгани билан эътиборни тортади. Шаҳар қурилиши 8 босқичда амалга оширилиб, яқин келажакда 500 мингга яқин аҳоли учун турар жойлар қад ростламоқда. Умумий 2000 гектар майдонда уй-жой, ижтимоий соҳа объектлари, саноат ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилади. Ҳозирга қадар оқова сувларни тозалаш иншооти, умумий сиғими 4000 куб бўлган ичимлик сув тармоғи, 35 киловаттли кичик электр станция, табиий газ тақсимлаш, насос станциялари, иссиқлик қозонхоналари, ирригация тармоқлари бунёд этиш билан боғлиқ амалий ишлар поёнига етмоқда.

— Шу ўринда эътиборга молик бир рақамни келтириб ўтмоқчиман, — дейди Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Рустамжон Ҳожиматов. — Вилоятимизда 2016 йилга қадар кўп қаватли 4 та уй қурилган, холос. 2017 йилдан 2021 йилга қадар эса 475 та 16 минг 27 хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилди. Сўнгги уч йилда қурилиш ташкилотлари томонидан моддий-техник базасини ривожлантиришга эътибор ошди. Натижада 7-16 қаватли уй-жойлар қурилиши ортиб бормоқда. Бу эса аҳоли зич яшайдиган Андижон шароитида мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда.

Бу айтишга осон. Лекин унинг замирида меҳнат ва изланиш, яратувчанлик йўлида берилган имтиёз ва имкониятлар мужассам эканини илғаб олиш қийин эмас. Ҳозирга қадар юзлаб хонадонлар учун бошланғич тўловларни амалга оширган уй соҳиблари замонавий хонадонларга кўчиб келиш тараддудида турибди.

Бугунга қадар қурилиши бошланган 1962 хонадондан иборат 74 уй-жойнинг 34 таси битказилди, 521 хонадонли 18 уй-жой фойдаланишга топширилди.

— Қурилиш бошланганидан буён “Андбинотранс” корхонасида ишлайман, — дейди Андижон шаҳар Гумбаз маҳалласида яшовчи Муҳаммаджон Отажонов. — Уйлар пишиқ ва ҳар жиҳатдан қулай лойиҳалар асосида қурilяпти. Яратилган шароит ва имкониятларни кўриб, тўнғич фарзандим учун уч хонали уй олишни кўзлаб турибмиз. Янги уй оиламиз ҳаётида янги имкониятларга бошпана бўлишига ишонаман.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 3 минг 310 хонадондан иборат бўлган 170 кўп қаватли уй-жой қурилади. Шаҳар меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири — барча кўп қаватли уйлар ҳовлисида яшил ҳудудлар барпо этиш учун алоҳида жойлар ажратилган. Турар жой бинолари квартал шаклида жойлаштирилгани кўчаларни кенг ва равон қилади, транспорт ҳаракати ва тўхтаб туришида ўзига хос қулайликлар яратади. Бундан ташқари, дастлабки босқичда 1680 ўринли мактаб, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилишлари поёнига етди. Турар жойларнинг яна бир жиҳати, барча муҳандислик-коммуникация тармоқлари ер ости коллектори ичида жойлашган бўлиб, ҳудудни узлуксиз ва хавфсиз коммунал хизматлар билан таъминлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи одамлар кўнглига меҳр, кўтаринкилик ва улуғворлик олиб кирди. Унутилмас учрашувлар, самимий суҳбатлар ният ва муддаоларни бир мақсад сари бирлаштирди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

# РАҚАМЛИ КЎПРИК

## аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишда камарбаста бўляптими?

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi "Ochiq Budjet" Portali

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда

**2022 йил июль-сентябрь ойлари давомида ўтказилган иккинчи мавсум якунларининг дастлабки натижаларига кўра, 1 418 лойиҳа ғолиб деб топилган ва уларни амалга ошириш учун туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан 1 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган эди.**



Ҳар бир мавсумнинг биринчи босқичида фуқаролар ўз таклифларини илгари суради, иккинчисида билдирилган таклифлар модерация жараёнидан ўтказилади. Учинчисида эса сараланган таклифлар овоз беришга қўйилади. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида кейинги йил учун тадбирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни — ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Демак, “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилдаги дастлабки босқичи 6 февралдан бошланиб, йигирма кун мобайнида таклифлар қабул қилинади.

— Ушбу жараёнлар дастлаб One ID тизими орқали йўлга қўйилган эди, — дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азим Ҳасанов. — Соддалаштириш мақсадида фуқароларимизнинг фақат телефон рақамларига боғланган ҳолда рўйхатдан ўтиш тизимини жорий қилдик. Бу аноним таклифлар ёки сунъий тарзда овозлар кўпайиб кетишининг олдини олади. Натижада фуқаро ҳар бир жараёнда битта таклиф киритиш имкониятига эга бўлади.

Қайд этиш жоиз, саралаш босқичидан ўтган барча таклифларга овоз бериш имконияти берилади. Бунда, ҳар бир таклифнинг ўз саҳифасида “овоз бериш” тугмаси бўлиб, уни қўллаб-қувватламоқчи бўлган фуқаролар ушбу тугмани босиш орқали фақат бир маротаба овоз беришлари мумкин. Бу жараён 2 хил усул билан: “Очиқ бюджет” порталида рўйхатдан ўтган ҳолда ҳамда SMS хизмати орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро бевосита ўзи истаган манзил, шу билан бирга, умуман, бошқа ҳудуд бўйича иштирок этиб ҳам ташаббускор бўлиши мумкин. Бу эса маълум бир таклиф ғолиб деб топилиши учун айнан ўша манзилда истиқомат қиладиган ёки рўйхатдан ўтган фуқаролар иштирок этиши лозим, деган чекловни рад этади. Аммо бир фуқаро фақатгина битта лойиҳани қўллаб-қувватлай олади.

Ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзида энг кўп овоз тўплаган таклифлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда ғолиблик аниқланади. Оддий қилиб айтганда, таклифларга қанчалик кўп овоз тўпланса, ютиш имконияти ортади ва энг кўп овоз олганлари юқоридан пастга қараб саралаб олинади.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, “Очиқ бюджет” ахборот портали автоматик равишда ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп овоз тўплаган таклифлар асосида ғолибларни аниқлайди ва муаллифининг шахсий кабинетига ҳамда мобиль телефон рақамига бу ҳақда хабар юборилади.

### ОРТТИРИЛГАН ТАЖРИБА, АМАЛИЙ ИШЛАР ВА АЙРИМ МУАММОЛАР

Маълумки, анъанавий бюджет давлат органлари, ҳукумат томонидан тайёрланади ва Олий Мажлис, маҳаллий бюджетлар эса маҳаллий давлат органлари томонидан шакллантирилиб, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ана шундай бюджетлар кўпинча маҳаллалар аҳолисини қийнаб келаётган масалаларни қамраб олмас эди. Маҳаллий бюджетларда маълум маблағлар кўзда тутилса-да, улар шу ҳудуддаги аҳоли фикрлари асосида шакллантирилиши керак, деган хулосага келинди.

Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштириш жараёни 2019 йилдан амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу жараён маблағларни тақсимлашда фуқароларнинг иштирок этиш механизми туман (шаҳар) бюджетларидаги қўшимча даромаднинг бир қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтиришни кўзда тутади.

Дейлик, маҳаллий бюджетлар даромадлари унда кўзда тутилган 10 миллиард сўмга нисбатан 1 миллиард сўмга ортиқча даромад қилинадиган бўлса, уни аҳолининг таклифлари асосида шакллантириш ғояси пайдо бўлди. Бироқ даромаддан оширилган маблағлар унчалик катта эмас эди. Шу боис, 2019-2020 йилларда “Ташаббусли бюджет” жараёнларида аҳоли томонидан жами 230 мингга яқин таклиф билдирилиб, овоз бериш натижаларига кўра, 245,1 миллиард сўм маблағ жойлардаги муаммоларни ҳал қилиш учун йўналтирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш ҳақидаги таклифлар маъқулланди.

Фуқароларнинг бюджетни шакллантириш жараёнларини нафақат назорат қилиши, балки уларни сарфлашда қатнашиши учун ҳам имконият яратилди. Мазкур механизмнинг янада самарали ишлашини йўлга қўйиш мақсадида 2021 йил июль ойи бошида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги янгиланган “Очиқ бюджет” порталини (openbudget.uz) ишга туширди. Унда давлат бюджети, давлат қарзи ҳақида маълумот эълон қилиб келиняпти ва “Ташаббусли бюджет” бўлими яратилди.

Бу бўлим орқали фуқаролар инфратузилмани яхшилаш, хиёбонлар, болалар спорт майдончалари, ички йўлларни қуриш, мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда бошқа масалаларга доир лойиҳаларини таклиф этиб, маҳаллий бюджетнинг тақсимланишида иштирок этишлари мумкин бўлди.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари Ноила Ибрагимованинг таҳлилларига кўра, 2021 йилда ташаббусли бюджетлаштириш бўйича 1600 дан ортиқ лойиҳани молиялаштириш учун 407,1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Фуқаролардан энг кўп таклиф ички йўлларни таъмирлаш (408), таълим муассасалари (367), ичимлик сув таъминоти, канализация ва суғориш тизимларини қуриш (131), кўчаларни ёритиш (115) бўйича келиб тушди.

2022 йилнинг февраль-март ойларида фуқароларнинг ташаббусли бюджет платформасидаги иштироки жараёнида 69,7 мингдан ортиқ таклиф олинди. Уларнинг катта қисми ички йўлларни таъмирлаш ёки қуриш (17,2 минг, барча ташаббусларнинг 25 фоизи), мактаблар (10,1 минг, 15 фоиз), мактабгача таълим ташкилотлари (4,4 минг, 6 фоиз)га доир бўлди. Аҳоли томонидан, шунингдек, ёритиш тизимларини таъмирлаш ёки ўрнатиш, ичимлик сув билан таъминлаш, болалар майдончалари, маҳалла биноларини таъмирлаш, газ ва электр таъминоти ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳам ўз таклифларини билдирди.



Биринчи мавсум учун овоз бериш натижаларига кўра, 2022 йилнинг 1 апрелигача бир ой мобайнида 6,7 миллион ҳамюртимиз ташаббусли бюджетнинг 40,2 мингта лойиҳаси бўйича овоз берди. Пировардида 2215 лойиҳа энг кўп овоз олди. Уларни молиялаштириш учун биринчи босқичда 1,11 триллион сўм маблағ ажратилди.

2022 йил июль-сентябрь ойлари давомида ўтказилган иккинчи мавсум якунларининг дастлабки натижаларига кўра, 1418 лойиҳа ғолиб деб топилган ва уларни амалга ошириш учун туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан 1 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган эди.



Республика бюджетидан ажратилган қўшимча маблағлар доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган таклифларнинг 110 таси умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш, 113 таси маҳаллаларда ички йўлларни таъмирлаш, 16 таси мактабгача таълим ташкилотлари ва 49 таси соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга йўналтирилган бўлиб, улар қўшимча равишда молиялаштирилди.

Натижада 2-мавсум учун ажратилган жами маблағлар миқдори 1,3 триллион сўмни, унинг доирасида ғолиб деб топилган лойиҳалар сони 1782 тани ташкил этди.

Юртдошларимизнинг мазкур жараёндаги иштироки ҳам тобора фаоллашиб боряпти. Агар ўтган йили ижтимоий лойиҳаларга 1 миллиондан ортиқ овоз берилган бўлса, дастлабки мавсумда ушбу кўрсаткич беш баробарга ортди, яъни овозлар сони 6 миллион 700 мингдан зиёд бўлди.

Иккинчи мавсумда бу лойиҳада 9 минг 201 (98 фоиз) маҳалла иштирок этди. Жараёнда 7,8 миллиондан ортиқ овоз берилди. Шундан 4,3 миллион овоз тўплаган 1418 лойиҳа ғолиб бўлди. Улар учун жами 1 триллион сўм маблағ ўтказиб берилди.

Энг муҳим жиҳати, овоз бериш жараёнида мамлакатимизда яшовчи жами аҳолининг 22 фоизи иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 33 фоиз, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Сирдарё, Наманган вилоятларида 25-26 фоиз атрофида бўлди.

“Ташаббусли бюджет” жараёни бугунги кунда давлат ва жамият ўртасида “рақамли кўприк” вазифасини ўтамоқда, десак ҳеч бир янглишмаган бўламиз.

— Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнига халқни кенгроқ жалб этиш орқали ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлашга эътибор кучайди, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска. — Мамлакатингизда 2021 йили “Ташаббусли бюджет”ни муваффақиятли синовдан ўтказилгани ва ҳозирда бу жараён кенг кўламли давлат молия тизимига жорий этилаётгани муҳим ҳисобланади. Бу, одамларга ишонч ва уларнинг эҳтиёжига эътиборнинг амалий рамзидир.

Иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расуловнинг таъкидлашича, биринчидан, “бюджет очиқлиги” бу — бюджетга оид маълумотларнинг кенг жамоатчилик учун шаффофлигини таъминлайди. Иккинчидан, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиради. Учинчидан, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали фуқароларимизни давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишида фаол иштирок этишларига имконият яратади. Тўртинчидан, бюджет ҳисобидан қилинаётган харажатлар тўғрисидаги барча маълумотларни доимий равишда аҳолига расмий веб-сайтлар орқали бериб борилиши очиқлик сиёсатини таъминлайди.

Бироқ мазкур тизим мамлакатимизда янги жорий этилаётгани сабабли айрим камчиликлардан ҳам холи бўлмаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган йил 25 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида ҳам “Ташаббусли бюджет” жараёнларини амалга оширишда айрим муаммо ва камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди.

Хусусан, ҳудудларда Бюджет кодекси талабларига тўлиқ амал қилинмай, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 30 фоизини йўналтиришда сусткашликка йўл қўйилган. “Ташаббусли бюджет” жараёнларининг иккинчи мавсуми доирасида республика бўйича 162 маҳаллада яшовчи фуқаролардан лойиҳалар таклиф этилмаган. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 95 маҳалла, Андижон ва Тошкент вилоятларида 22 тадан маҳалла, Қорақалпоғистонда 18 ҳамда Сирдарё вилоятида 5 маҳалла мазкур жараёнда иштирок этмаган.

Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар мақсадли фойдаланилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 257 лойиҳа бўйича 5,6 миллиард сўм қийматидаги қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Натижада Бош прокуратура томонидан “Ташаббусли бюджет” жараёнида қонун бузилишига йўл қўйган 255 нафар шахс интизомий, 15 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 5 та жиноят иши қўзғатилган.

### ЖАҲОН АМАЛИЁТИГА НАЗАР ТАШЛАГАНДА...

Тадқиқотчиларнинг фикрича, сўнгги ўн йилликларда жаҳон амалиётида ҳам ташаббусли бюджетлаштиришга қизиқиш сезиларли даражада ошди. Мамлакатларда қўлланилаётган ташаббусли бюджетлаштиришнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

— партисипатор (иштирокчи) бюджетлаштириш (participatory budgeting) ёки “Порту-Алегри модели” (Бразилия, ташаббусли бюджетлаштириш тарихидаги биринчи йирик тажриба);

— Ижтимоий инвестиция фондлари (Social investment Fund, SIF), уларда молиявий лойиҳалар танлов асосида тақсимланади;

— Маҳаллий жамоаларнинг кучи ёрдамида амалга ошириладиган тараққиёт лойиҳалари (Community Driven Development, CDD) объектив мезонлар бўйича донорлар (Жаҳон банки, БМТ агентликлари) томонидан тақсимланади;

— Ҳамжамият (Community Led Local Development, CLLD) бошқаруви остидаги маҳаллий тараққиёт лойиҳалари;

— Европа Иттифоқи агентликлари ва аралаш амалиётлар (мисол учун, “Қишлоқ тараққиёти” лойиҳаси).

— “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари бутун дунё бўйича кенг тарқалган. Бразилия (Порту-Алегри)да амалга оширилган лойиҳа дастлабки тажрибалардан бири бўлган, — дейди Ноила Ибрагимова. — Шундан сўнг бу амалиёт Лотин Америкаси, Осиё, Африка, Шимолий Америкада қўлланила бошланди. 2005 йилга келиб, у дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатига тарқалди.

Европада партисипатор бюджетлаштириш 2001 йилда Италия, Испания ва Франциядаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан татбиқ этилган. Лиссабон (2008 йил) шаҳар миқёсида электрон овоз бериш асосида партисипатор бюджетлаштириш механизми татбиқ этилган биринчи пойтахт бўлди. 2019 йилда эса барқарор тараққиётни молиялаштириш учун “яшил” партисипатор бюджетлаштириш жорий этилди.

АҚШда ташаббусли бюджетлаштиришнинг бюджет очиқлиги сиёсатига тўлиқ интеграциялашуви 2013-2015 йилларда рўй берди (тажриба 2009 йилда Чикагода, 2011 йилда эса Нью-Йоркда бошланган).

Бу борадаги энг катта тажриба Хитойда — Чэнду шаҳрида амалга оширилди. Бунда инфратузилмалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, бизнес ва маданиятни ривожлантириш бўйича 50 мингта лойиҳа қабул қилинди.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ташаббусли бюджетлаштириш ҳукумат фаолиятининг муҳим йўналиши экани ва давлатнинг марказий ҳамда ҳудудий даражадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари таркибига киритилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

### МУҲИМ ҚАРОР ВА ЯНГИ КЎЛАМЛАР

— Ҳаётнинг ўзи “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада кенгайтиришни кун тартибига қўймоқда, — дейди Азим Ҳасанов. — Чунки бу тизим орқали ҳозирги пайтда аҳолининг энг долзарб муаммоларини ўрганишга ёрдам берадиган “очиқ маълумотлар базаси” шаклланмоқда. Бинобарин, уч мавсум давомида айнан маҳаллалардаги муаммоларга доир 100 мингдан ортиқ таклифлар билдирилди.

Президентимизнинг ўтган йил 24 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиб келаётган кенг жамоатчиликни янада рағбатлантириш, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг фаоллигини оширишни кўзда тутади.

Қарорга мувофиқ, “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2022 йил 2-мавсуми доирасида фуқароларнинг фаол иштирокини инобатга олган ҳолда, ғолиб деб топилган лойиҳаларга қўшимча равишда ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 364 таклифни амалга ошириш учун республика бюджетидан 335 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Яна бир янгилик шундаки, эндиликда лойиҳалар маҳаллабай тарзда шакллантирилади. Қарорга кўра, 2023 йилдан бошлаб “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши назарда тутилган. Бу жараёнда аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳа пакети шаклида овозга қўйилади.

Шу мақсадда лойиҳалар пакети учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорини 8 миллиард сўм этиб белгилаш, дастурларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида 4 триллион сўм йўналтирилиши мўлжалланган.

Шу боис, “Ташаббусли бюджет” жараёнини молиялаштириш кўлами янада ортади. Яъни 2023 йилдан бошлаб ҳар бир туман ва шаҳарда 6 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратилиши ҳисобига мазкур жараёнлар учун республика бўйича 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўлланиши кутилмоқда. Бунинг натижасида 53 туман ва шаҳарда (тасдиқланадиган бюджетлари миқдори кам бўлишига қарамай) улар учун ҳам 6 миллиард сўмдан маблағ йўналтирилади. Мисол учун, Ғозғон шаҳрида 2022 йилда 900 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2023 йилдан бошлаб мазкур ҳудудга 6 миллиард сўм маблағ берилади.

Вилоят бюджетлари қўшимча манбаларининг 30 фоизи ҳам эндиликда “Ташаббусли бюджет” жараёнига йўналтирилади. Жойларда фуқароларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳам фуқаролар фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланади. Бу тизим “Ташаббусли бюджет” жараёнларидан фарқли равишда ҳар йили бир маротаба ўтказилади.

“Менинг йўлим” лойиҳаси учун ҳам маблағлар миқдори оширилади. Агар ўтган йилда бу мақсадлар учун 271 миллиард 71 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, ушбу миқдор ҳам икки карра кўпаяди.

Алқисса, ана шундай кенг кўлам ва катта маблағлар асосида 2023 йилги “Ташаббусли бюджет” жараёнининг биринчи мавсумига старт берилди. Бу мавсум ҳам одамларга эътибор ва эҳтиёжнинг амалий рамзи сифатида кўплаб долзарб муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этишга камарбаста бўлади.

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ



**Сарвара АКОБИРОВА,**
**Муяссар БАҲРИДДИНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети ўқитувчилари**

**Жаҳон миқёсида глобаллашув ва интеграциялашув жараёни рўй бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, барча соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиб, ҳар томонлама ривожланиш имконини беради. Шундай паллада хорижий тилларнинг ўрни юқори аҳамият касб этади. Бу чет тилни билиш, фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан тўғри мулоқот қилишнигина англатиб қолмай, балки хориж халқининг урф-одатлари, анъанаю маросимлари, географияси, ташқи ва ички сиёсати, тарихи кабиларни ўргатиш вазифаларини ҳам қамраб олади.**

# ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ КАДРЛАР

## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ПУХТА БИЛИШИ МУҲИМ

Бугунги кунда хорижий тилни билиш ўта муҳим аҳамият касб этгани боис, тил ўқитиш тизимини ҳам ислоҳ этиш, дарс жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда илғор интерфаол усулларни қўллаш долзарб масалалардан биридир. Президентимиз Мурожаатномасида Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлаш ва чет тили таълимини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни замон талабларига мос етук мутахассис этиб тайёрлаш асосий вазифамиз экани алоҳида таъкидланди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур" ёки "Ҳозирги очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз", деган сўзлари хорижий тилларни ўқитишнинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Мурожаатномада таълим тизимининг барча босқичида чет тилларни узлуксиз ўқитишни ташкил қилиш, ёш авлоднинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини янада ошириш ва чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш билан бирга уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот-ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиши, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириши учун шароит яратиш кўзда тутилди. Тегишли давлат органлари, жумладан, барча таълим муассасалари ва чет тили ўқитувчилари зиммасига ёш авлодни мустақил давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширувчи юксак салоҳият ва билим эгалари қилиб тарбиялашдек улкан вазифалар юкланди.

Мамлакатимизда хорижий тил таълимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат юридик университетида ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 талигидаги олий таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатилди. Университетнинг барча ходимлари ва талабалар учун IELTS курслари йўлга қўйилди. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Хорижий тилларни ўрганишни кенг оммалаштириш куни" деб эълон қилинди.

QS WORLD UNIVERSITY RANKINGS

Ҳозир университетнинг хорижий тиллар кафедрасида халқаро сертификатга эга 25 нафар чет тили мутахассиси фаолият юритиб, инглиз, француз ва немис тилида дарс беряпти. Асосий мақсад талабаларнинг касбий омилкорлигини оширишда хорижий тил кўникмаларини шакллантириш, халқаро миқёсда рақобатлаша оладиган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашдир. 2020/2021 ўқув йилидан университет Европа кредит тизими асосида фаолият юритар экан, кафедра жамоаси дунёдаги етакчи мингталикка кирган университетлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, халқаро конференциялар, вебинарлар ўтказди, хорижий тил мутахассислари билан тажриба алмашди. Жумладан, АҚШнинг Аризона университети, Словениянинг Марибор университети, Германиянинг Франкфурт мактаби, Мюнхен техника университети профессорлари кафедра ўқитувчилари ва университет талабалари учун инглиз ва немис тилларида жуда мазмунли дарслар ўтди. Кафедрада хорижий тиллар бўйича турли клублар ташкил қилинган. Англия ва Уэльс ҳуқуқ жамиятининг халқаро бўлими аъзоси бўлган Global Legal English билан ҳамкорликда Тошкент давлат юридик университети TOLES (Test of Legal English Skills) халқаро сертификатига эга бўлиш учун имтиҳон топшириш бўйича мамлакатимиздаги биринчи марказ деб тан олинди.

Ёшларимиз юртимизни жаҳоннинг энг илғор, ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиши, замонавий фан-техника ютуқларини мукаммал ўрганиб, халқаро даражадаги юксак кадрлар бўлиб етишиши учун хорижий тилларни пухта билиши муҳим. Шундагина Янги Ўзбекистон жаҳоннинг кўзга кўринган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олишига, келажагимизнинг буюк бўлишига мустаҳкам замин яратилади.



ЁШЛАР СИЁСАТИ

# ОРЗУЛАР РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ДАФТАР

**Ёшлар камолоти ҳамма даврларда ўта долзарб вазифа саналган. Мамлакатимизда ҳам бу масала бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Эътиборли жиҳати, бунинг натижасида ёш авлоднинг имкониятлари кенгаймоқда. Иқтидор соҳиблари муносиб рағбатлантириляпти. Истеъдод эгалари билдирилган ишончга жавобан юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Бу имкониятлардан Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган 1 миллион 40 минг нафарга яқин йигит-қиз самарали фойдаланишга интилмоқда.**



Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳудуд ёшларига эътиборни янада оширди. Қарорга асосан, вилоятдаги 544 та маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар етакчиси лавозими жорий қилинди. Натижада йигит-қизлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, ёшлар баланси шакллантирилди. Қисқа вақт оралиғида бевосита етакчилар тавсияси асосида 10 минг 500 нафардан зиёд ёшларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили келиб тушган мурожаат, хатлов ва ўрганишлар асосида 15 мингдан зиёд йигит-қиз "Ёшлар дафтари"га киритилди. Касб-ҳунарга ўргатиш, имтиёзли кредит, ер майдони ва субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш натижасида бухоролик йигит-қизларнинг 69 фоизи қисқа фурсатда моддий манфаатдорлигини ошириш имконига эга бўлди. Бу билан улар "Ёшлар дафтари"дан ҳам чиқарилди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий қилинган тизим бугун эҳтиёжманд йигит-қизларни "Ёшлар дафтари"дан чиқаришнинг муҳим йўналишларини ҳам белгилаб берди. Шунга асосан, 200 нафарга яқин йигит-қиз ишга жойлаштирилди. Қарийб 150 нафарига кредит ажратилди, 2 минг нафарга яқин ёшнинг деҳқончилик билан шуғулланиши учун имконият яратилди. Салкам 3 ярим минг нафар ёшга меҳнат қуроллари хариди учун субсидия ажратилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳмонов. — Бу рақамлар, аввало, лаёқати бор, лекин имконият тополмаётган йигит-қизларга давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини амалда кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 150 нафарга яқин ёшга ижара харажати учун субсидия ажратилди, 3 ярим минг ёшга турли ижтимоий ёрдам, жумладан, контракт тўлови, тиббий хизмат, психологик хизмат, турар жой ижараси учун кўмак берилди. "Ёшлар дафтари"дан чиқарилган эртамиз эгаларининг қай бири билан мулоқот қилманг, уларда юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси янада ортганини кўриб, қувонамиз.

Эртамиз эгаларининг моддий таъминотини яхшилашда "Ёшлар жамғармалари" ҳам муҳим аҳамият касб этяпти. Жумладан, жамғарма маблағлари ҳисобидан ўтган йили "Ёшлар дафтари"га киритилган 8 мингдан зиёд ёшга 74,6 миллиард сўм ажратилди. 677 нафар аҳволи нисбатан оғир бўлган йигит-қизларга 801,4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

"Ёшлар дафтари"нинг муҳим йўналишларидан бири "Таълимга мадад" лойиҳаси доирасида ҳам вилоятда кенг қамровли ишлар бажариляпти. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Фарангиз Турсуналиева ҳам мавжуд имконият туфайли 4-босқичда ўқишни давом эттираётганидан мамнун.

— Бухоро давлат тиббиёт институтида стоматология йўналиши бўйича таҳсил оляпман. Оилавий шароитимиз сабаб бу йил ўқишни давом эттира олмайман, деган хавотирда эдим. Аммо маҳалладаги ёшлар етакчиси мушкулимни осон қилди. Ўқув шартнома пулининг 50 фоизи давлатимиз томонидан тўлаб берилди. Бу яхшиликни оқлаб, келгусида етук тиббиёт ходими сифатида юртимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшишни мақсад қилганман, — дейди Фарангиз Турсуналиева.

— Яна бир муҳим жиҳат: 2021-2022 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд таълим муассасаларини 34 минг 641 ўқувчи ва талаба тамомлади. Мактаб битирувчиларининг 11 минг 797 нафари олий таълим муассасаларига, 2 минг 912 нафари профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди, — дейди Шавкат Раҳмонов. — Ўтган давр мобайнида таълим муассасаларини тамомлаган 21,5 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. Бугунги кунда ишли бўлган барча битирувчилар рўйхати шакллантирилган. Халқаро имтиҳон тизими бўйича юқори балл олган қарийб 800 нафар йигит-қизнинг 1,4 миллиард сўмлик имтиҳон харажати қоплаб берилди. "Бир миллион ўзбек дастурчиси" курсларини тугатиб, сертификат олган ёшларга тижорат банклари томонидан компьютер хариди учун ажратилган истеъмол кредитининг 155,8 миллион сўм миқдордаги фоизи тўлиқ компенсация қилиб берилди. Бу эътибор ҳам ёшларга янги куч ва шижоат бағишлади.

Зарур ускуна ва меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидиялар ажратиш ҳисобидан ҳам вилоятдаги 3,5 мингга яқин йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий маҳалласида яшовчи Хуршид Тоҳиров ҳам имкониятлар сабаб уста-ҳунармандлар қаторига қўшилишга ҳаракат қилмоқда.

— Қадим ҳунарлардан саналган заргарликни бир неча йилдан буён ўрганиб келяпман. Аммо ўзимда етарли дастгоҳлар бўлмагани сабабли мустақил иш бошлай олмаётган эдим. Менга субсидия асосида замонавий ускуналар олиб берилди. Энди миллий ҳунармандчилик ривожига ҳисса қўшиш учун менда ҳам имконият пайдо бўлди, — дея миннатдорлигини билдирди Х.Тоҳиров.

Вилоятдаги кенг кўламли ислоҳотлар турли дастур ва лойиҳаларнинг самарадорлигини ҳам ошираяпти. Ўтган йил давомида Бухорода қарийб 11 минг ёшга 259,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш орқали 10 833 та иш ўрни яратилгани мисолида буни кўрсатиш мумкин.

Вилоятдаги драйвер соҳалардан бири — аграр тармоқ. Қишлоқларда яшаётган 2 мингга яқин ишсиз ёшга деҳқончилик билан шуғулланиши учун ўтган йили 386,2 гектар ер ажратилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган ернинг 1 минг 144 гектари 2 минг 751 нафар ёшга такрорий экин экиш учун берилди ва улар ҳам турмуш шароитини яхшилаб, оилавий даромадини ошириш имконига эга бўлди.

Умуман олганда, куч-қувват ва шижоатга тўла ёшларнинг ютуқлари, эришаётган натижалари, кўзлаётган марралари салмоғи юқорилаб бормоқда. Эртанги кунимизнинг фаровон бўлиши, аввало, бугунги ёш авлоднинг иқтидори ва истеъдоди, билими, интилиши ва саъй-ҳаракатига боғлиқ. Барча имконият эшиклари очилган юртда эса, албатта, кўзланган мақсадлар ортиғи билан рўёбга чиқишига шубҳа йўқ.

**Суҳроб ШЕРОВ,**
**журналист**

НУҚТАИ НАЗАР

# НАЖОТ ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА БИЛИМДА

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**Жиззах давлат педагогика университети математика ва информатика факультети декани, доцент**

**Ватан остонадан, таълим-тарбия бешикдан бошланади. Илму маърифатгина инсониятни камолотга, жамиятни эса тараққиётга етаклайди. 2023 йилга Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили деб ном берилиши мамлакатимизда инсон шаъни ва қадр-қимматини ошириш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш янги давр сиёсатининг устувор мақсадларидан бири эканининг яна бир исботи бўлди.**

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида давлатнинг фуқаролар олдидаги барча мажбуриятларини белгилаб берди. Аниқроғи, Янги Ўзбекистонни ижтимоий давлат тамойили асосида бунёд этишдан мақсад унда инсон асосий бойлик сифатида қадрланиши, ислоҳот ислоҳот учун эмас, одамлар манфаати учун хизмат қилиши таъкидланди. Давлатимиз раҳбари: "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур", деди.

Дунёда жараёнлар шиддат билан ўзгараётгани, радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хавф-хатарлар айрим давлатларни пароканда қилаётгани, у ерда яшаётганлар бошига чексиз мусибатлар ёғдираётгани, халқини тобора қашшоқлаштириб, иқтисодиётини издан чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу каби нохуш воқеа ва ҳодисаларнинг юртимизга таъсирини камайтириш учун ҳар биримиз ҳозирги фаровон турмушимиз посбони бўлишимиз керак. Бунинг учун, аввало, ёшларимиз онгини Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк ислом мутафаккирларининг илму маърифат чироғи билан ёритмоғимиз, таълим билан халқимизнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришимиз керак. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш учун таълим тизими ва унинг барча бўғинларида сифат ўзгармаса, эътибор ўзгармайди, деган тамойилни келтириб чиқаради.

Президентимиз таъбири билан айтганда, таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир. Чунки ҳар қандай давлатни буюк ва қудратли қиладиган ягона куч илму маърифатдир.



Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасини, хусусан, олий таълимни ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлари натижасида бугун олий таълим тизимини модернизациялаш, илм-фанни ривожлантириш, кўзланган маррани тез ва мукаммал эгаллаш учун муҳим қадамлар қўйилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, олий таълимга замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, халқаро муносабатлар соҳасида юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлаш масъулиятини юклайди. Шу сабабли тизимда инновацион педагогика такомиллашиб, таълимга технологик тараққиётнинг энг сўнгги ютуқлари жалб этилмоқда. Янги Ўзбекистонда давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллиги таъминланиб, уларга молиявий мустақиллик берилди. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимининг босқичма-босқич жорий этилиши талабанинг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар натижадорлигини оширди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси дастурлари асосида олий таълимда инновацион педагогикани такомиллаштириш, таълимни замонавий технологик талаблар асосида ривожлантириш, халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатдош кадрлар тайёрлаш учун юксак марра белгиланди. Бу мақсад йўлида илмий салоҳиятга алоҳида эътибор қаратилиб, иқтидорли ёшларнинг илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, улар эришган инновацион ютуқларни, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш механизми ишлаб чиқилди. Жумладан, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига университет мақоми берилиб, моддий-техник базаси тубдан шакллантирилди. Мисол учун, математика ва информатика факультети биноси тўлиқ қайта реконструкция қилинди. 2 ўқув биносида 43 ўқув аудиторияси, компьютер хоналари, 1 кутубхона, 4 маъруза зали, 1 маънавият хонаси, 2 лаборатория хонаси ҳамда замонавий спорт анжомлари билан таъминланган спорт зали тўлиқ реконструкция қилиниб, замон талабларига мос равишда жиҳозланди. Факультетнинг барча ҳудуди оптик толали интернетга уланди. Ҳар бир маъруза залида smart доска панели ўрнатилган. Талабаларнинг замонавий билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Университетимизда соҳага оид зарур кўникмалардан ташқари талабаларнинг IT технологияларга оид билимларини ошириш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида дастурлаш тилларини ўзлаштиришга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, "Темир дафтар"га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиб, биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида ажратилаётган таълим кредитлари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқда.

Таълим-тарбия жараёни бевосита бешта муҳим ташаббус доирасида йўлга қўйилган. Илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган, бакалавр, магистратура ва докторантурада аъло баҳоларга ўқиётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, илм-фанга кенг жалб қилиш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Президенти ва бошқа давлат стипендиялари учун ўтказиладиган танловларда иштироки таъминланган. Университетнинг икки талабаси Ислом Каримов номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор, ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистонни янада қудратли қилиш, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, Учинчи Ренессанс пойдеворини илм-фан асосида яратишга замин ҳозирлайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади".

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 582 ЙИЛЛИГИ

# ГАВҲАРЕ ТОПТИМ, АНИ КЎНГЛУМДА ПИНҲОН АЙЛАДИМ...

## ЁХУД АФҒОНИСТОН НАВОИЙШУНОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Бошланиши 1-бетда

**— Азизуллоҳ жаноблари, нафақат шарқлик, балки ғарблик навоийшуносларнинг ҳам таъкидлашларича, бугунги кунда Алишер Навоий ҳақида ёзиш, санъаткорлик қудратини тадқиқ этиш, ижодий асарларини тарғиб қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Чунки бугунги жамият учун унинг идеалларига эҳтиёж бор. Ҳазрат Алишер Навоий мангу қўним топган афғон диёрида бу маънавий эҳтиёж қай даражада экани, албатта, бизни қизиқтиради...**

— XV асрда яшаб ижод этган Ҳазрат Алишер Навоий ижодини кўздан кечирадиган бўлсак, бу улуғ сиймо ҳозирги кунда биз билан бирга яшаб, ҳаётимизнинг, жамиятимизнинг турли қирраларини синчиклаб мутолаа қилиб, ёзиб бераётгандек туюлади. У гўё биз билан бирга юргандек, аммо биз уни кўрмаётганга ўхшаймиз. Нега шундай деганда, айтиш мумкинки, Навоий ўз замонида бизнинг замонимизни тасаввур эта билганидадир. Аллома асарларида ҳаётнинг бирор соҳаси йўққи, ўз аксини топмаган бўлса. Ҳозирги XXI асрнинг долзарб муаммолари: тинчлик, соғлиқ, эркинлик, таълим-тарбия, одамийлик, инсон ҳуқуқлари, аёлларга муносабат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қочқинлик каби масалалар бундан беш ярим аср олдин Навоийнинг диққат марказида бўлган. Ҳозирги кунда бу муаммолар бутун дунёни ўзига жалб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда улуғ мутафаккир фикрлари, дунёқараши ва одоб-ахлоқига бўлган эҳтиёж ва зарурат бошқа ҳар қандай юрт ва унинг халқидан кўра, Афғонистон диёри, унинг фуқаролари учун муҳимлиги ҳаммага кундек аён. Чунки бу мамлакатда тақрибан ярим асрдан буён давом этиб келаётган натижасиз жанглар, қон тўкишларнинг олдини олиш учун Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар фикрига таяниб иш кўришни замон тақозо этади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан у абадий қўним топган кўҳна Ҳиротда 2021 йилда ўтказилган халқаро анжуманга "Навоий тафаккурларини қайта ўрганиш" деб ном берган эдик. Мазкур анжуманда Ҳазрати Навоийнинг, "Жонға кўксим чокидин жононни меҳмон айладим, гавҳаре топтим ани кўнглимда пинҳон айладим", деган мисралари хаёлимдан ўтган. Дарҳақиқат, буюк шоирнинг ҳар бир мисраси бебаҳо ҳикмат ва улуғ фикрат топилмаларидир.

**— Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида "Темур ва темурийлар даври" деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди. Чунки бу давр "турк улуси" зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлган. Зотан, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихи буюк мутафаккирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган. Сиз ўз тадқиқотларингизда ушбу давр билан боғлиқ қандай воқеликларни кашф этдингиз?**

— Шарқдаги иккинчи Уйғониш даври Европадаги Уйғониш даври билан деярли уйғун равишда бошланди ва жамият учун маданий, илмий, ижтимоий, иқтисодий ва санъат соҳаларида жуда муҳим натижаларга эришишга олиб келди. Бу вақтда Ҳиротда Шоҳрух ва унинг фарзандлари, Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг авлодлари, Амир Алишер Навоий, Жомий ва Беҳзод каби шахсиятлар ўрни ва роли беқиёс. Бу Уйғониш даври одамларни икки аср давомида қийнаб қўйган сиёсатдан юз ўгириш самараси ҳисобланади. Амир Алишер Навоий ана шу тарихдаги нуфузли шахслардан бири ҳисобланади. У бу даврда Султон Ҳусайннинг иқтидорли вазири, зукко донишманд ва буюк мутафаккир сифатида икки асрлик зулм, ишончсизлик, уруш, ўлдириш, инсонларни хўрлаш, очарчиликка чек қўйишга ҳисса



қўшган. Навоий ўз муҳити маданияти ва жамияти қиёфасини ўзгартиришга катта таъсир қилган, моддий ва маънавий маданиятни юқори чўққига кўтарган улуғ сиймодир. Шу боис, бу буюк инсон — Алишер Навоийнинг ўзи ва номи бизгагина тегишли бўлмай, бутун оламники, дегим келади. Навоий нафақат кўп қиррали илм-фан ва давлат арбоблари, маънавият ва маърифат соҳасида ўнлаб инсонларга раҳнамо бўлган, балки санъат, адабиёт, бинокорлик, рассомлик, мусиқашунослик, меъморлик каби соҳаларда ҳам жамиятнинг моддий қиёфасини ўзгартиришга катта ҳисса қўшган истеъдоддир.

**— Аксарият олимларнинг таъкидлашича, шу кунгача Афғонистонда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди борасида олиб борилаётган изланишлар ва ушбу диёрдаги мутафаккир қурдирган машҳур тарихий ёдгорликлар тўғрисида бизда деярли маълумот йўқ. Сиз бевосита ушбу жараённи ўрганган, ҳозирги Афғонистон заминидаги ўша ёдгорликларнинг катта қисмини шахсан кўрган тадқиқотчилардан бирисиз. Улуғ бобомиз асос солган энг машҳур тарихий ёдгорликлар сифатида қайси бирларини айтиб ўтган бўлардингиз?**

— Темурийлар даври меъморчилиги Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқлиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. У асос солган барча ёдгорликлар — у Ҳиротда бўладими, Балхдами, Машҳад ёхуд қадим Хуросон заминининг бошқа ҳудудларидами, ҳаммаси бирдек эътиборга, мақтовга ва шуҳратга эга ҳисобланади. Навоийшунослар фикрича, аслида, бу улуғ зот 1001 та обида қуришни ният қилган, аммо ҳозирга қадар ҳеч қандай манбада 350 ёки 360 ёдгорликдан кўпроқ обида хусусида баҳс юритилмаган. Шу жумладан, фақат 15-20 обиданинг номи келтирилган, холос. Бироқ навоийшунос Амин Ҳиравийнинг сўзи билан айтганда, Навоий фаолияти асосида Хуросоннинг саҳро ва даштлари, шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, боғлар, ҳовузлар, кўприклар миқдорини қайд этиш ва тасвирлашга қалам тили ожизлик қилади.

Шу ўринда кейинги пайтларда Навоийга нисбат берилаётган Афғонистон ҳудудида жойлашган (Оқина сардобаси, Бобо Вали ҳовузи, Сарпул ғишт кўприги, Ҳазрати Али мақбараси) Алишер Навоий ташаббуси ва буйруғи ёхуд бевосита иштирокида қурилган ёдгорликлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Улардан энг машҳури Балх вилоятининг Мозори-Шариф шаҳридаги Ҳазрати Али мақбараси (зиёратгоҳи) бўлади. Ҳазрати Алига нисбат бериладиган бу мақбара мажмуаси халқ орасида "Равзаҳ" ёки "Али зиёратгоҳи" деб ҳам аталади. Ушбу мажмуа техник ва қурилиш нуқтаи назаридан турли имкониятларга эга бўлиб, унда 21 та ҳужра, 8 дарвозали боғ, 5 эшикли ҳовли, шунингдек, мадраса, кутубхона, таҳоратхона, масжид ва музей мавжуд. Яна бир ёдгорлик — "Оқина сардобаси" Афғонистоннинг Форёб вилояти Андхуи туманида Туркманистон чегарасига яқин жойлашган тарихий усти ёпиқ ҳовуз. Сардоба қиш фаслида қор-ёмғир сувларидан табиий равишда тўлиб, бутун йил давомида Амударёнинг икки қирғоғидаги савдо карвонлари, деҳқон ва чўпонларга сув бериб турган. Пишиқ ғиштдан қурилган бу Сардоба чуқурлиги 16 метр, гумбаз баландлиги ҳам ер юзасидан 16 метр (Сардоба сатҳидан гумбазига қадар 32 метр), сув косасининг кенглиги эса 10 метрдан иборат.

Бошқа бир обида — "Бобо Вали ҳовузи" ҳам Андхуи туманида жойлашган. Бу ҳовуз Оқина сардобасидан 25 километр узоқликда Бобо Вали зиёратгоҳи мажмуаси ҳовлисида жойлашган. Ҳовузнинг ҳозирги кўриниши 21х21 метр, чуқурлиги 6 метр ва сув ҳажми 3380 кубметрдан иборат.

"Сарпул ғишт кўприги" Алишер Навоий ташаббуси билан вужудга келгани эндигина эътироф этилмоқда. Ушбу кўприк Сарпул вилоятида жойлашган. Уни қуришда ганж шираси, оҳак ва сомон кулидан ўлчами 24Х24 ва қалинлиги 5 сантиметр бўлган пишиқ ғишт ишлатилган. Бундай усулда қурилган кўприклар сув, юк ва зилзила зарбига анча чидамли бўлган.

**— Сўнгги ярим асрдан кўпроқ даврда Афғонистонда Алишер Навоий шахсияти, асарлари ва улар ҳақидаги тадқиқотларга эга қандай китоб, мақола, мақолалар тўпламлари чоп этилди. Ушбу ҳудуддаги навоийшуносликнинг ўзига хослиги нимада?**

— Тан олиш керакки, Навоийнинг ватани ҳозирги Афғонистон бўлса, навоийшуносларнинг ватани Ўзбекистон ҳисобланади. Навоий ўз юртида ўтган ярим асрга қадар муносиб қадрланмади, муносиб ўрганилмади. Аниқроғи, сўнгги 40 йилдагина, Алишер Навоий Афғонистонда ҳам ўрганила бошлади. Унга бағишлаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, асарлари қайта чоп этилди. Навоий хусусида ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ва шеърлар нашр этилди. Шулар ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, даставвал, унинг эски ўзбек ёзувида қайта нашр этилган асарлари кўз олдимизга келади, бу асарлар сони 24 тага етади ва улар ўз ичига Навоийнинг энг мўътабар асарлари бўлмиш "Хамса", "Мажолис ун-нафоис", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Девони Фоний", "Хазойин ул-маоний"ни қамраб олади.

**— Мақолаларингиздан бирида Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен санъат музейида Алишер Навоийнинг икки девони қўлёзмаси сақланиши, ушбу қўлёзмаларнинг нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон, балки минтақа ҳамда жаҳон навоийшунослари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтгансиз...**

— Дарҳақиқат, машҳур Метрополитен санъат музейида Алишер Навоийнинг икки қимматбаҳо "Наводир уш-шабоб" ва "Наводир ун-ниҳоя" девонлари қўлёзмаси сақланади. Бу девонлар қўлёзмасини ўрганиб чиқишнинг Ўзбекистон, Афғонистон, қолаверса, минтақа ва жаҳон навоийшунослари учун аҳамияти шундаки,



бу асарлардан бири XVI асрнинг бошларида маҳаллий хаттот Қосимали Шерозий томонидан ёзилган бўлса, иккинчиси Навоий ҳаётлиги пайтида машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган. Мазкур девоннинг кўчирилган санаси ҳамда котибнинг исм-шарифи қўлёзмада, "920 йили пойтахт Ҳиротда фақир Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилди", деб ёзиб қўйилган. Бундан маълум бўладики, бу девон қўлёзмаси милодий 1499-1500 йили Алишер Навоий ҳаётлигида кўчирилган. Метрополитен санъат музейида Навоийнинг бу девони ноёб санъат асари сифатида баҳолангани учун ҳам, жуда авайлаб сақлаб келинмоқда.



Кейинги чорак аср ичида нашр этилган Навоий билан боғлиқ китоблар сони эса 40 дан ортиқ. Шу билан бирга, Афғонистонда ҳозирга қадар Алишер Навоий таваллудига бағишлаб давлат томонидан ўтказилган халқаро семинарлар сони учтадан ошмайди. Улардан биринчиси Кобулда 1991 йили Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбир бўлса, иккинчиси 2016 йили мутафаккир таваллудининг 575 йиллигига бағишланган халқаро симпозиумдир. Симпозиум муносабати билан тақдим этилган 41 мақола 500 бетлик "Мажмуаи мақолот" (мақолалар тўплами) номи остида чоп этилди.

Ниҳоят, 2021 йили Ҳиротда Навоий таваллудининг 580 йиллиги кенг нишонланди. "Навоий тафаккурларини қайта ўрганиш" мавзусидаги ушбу халқаро семинар муносабати билан нашр этилган тўпламдан бу гал 48 номдаги мақола ўрин олган. Шу жумладан, ўзбек тилидаги 14 мақола эски ёзувда, 16 мақола лотин ёзувида. Шунингдек, 12 мақола дарий (форс) тилида, 4 мақола пушту тилида ва 2 мақола инглиз тилида нашр этилди.

Бошқа томондан, шу бугунгача жаҳоннинг катта кутубхоналарида сақланаётган буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини аниқлаб, уларнинг ҳозиргача тасниф этилмаганини ҳеч қандай изоҳлаб бўлмайди. Агар Алишер Навоий навоийшунос олимлар томонидан янгича тафаккур асосида қайта ўрганилса, инглизлар Шекспирни ўзларининг Навоийлари деб баҳо берган бўларди. Баъзи бир навоийшунослар, Навоий бизнинг Шекспиримиз, дея баҳо бериб келаётганлари учун шу фикрни айтиб ўтяпман.

**— Сиз ўзбек навоийшунослари ва ёзувчилари билан анчадан бери ҳамкорлик қилиб келасиз. Алишер Навоий ҳаёти, ижоди билан боғлиқ икки ўзбек романи — Ойбекнинг "Навоий" ва Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романлари ҳақида мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик...**

— Эътироф этиш керакки, бу икки ўзбек ёзувчисининг Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ романлари сўзсиз таҳсинга сазовор. Ойбекнинг "Навоий" романи ўз даврида Навоийни кенг жамоатчиликка таништиришда мисли кўрилмаган асар сифатида аҳамият касб этган бўлса, замондошимиз Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романи Навоий хусусидаги янгича тасаввуримизни шакллантиришга бирмунча туртки бўлди, дейиш мумкин. Бу икки романни ҳам мириқиб ўқиганман.

Ойбекнинг "Навоий" романидаги бошқа бир жиҳатга эътибор берсак, унда тарихий кечинмалар кучли из қолдирганини сезиш мумкин. Ойбек Навоийнинг инсонпарвар шоир ва давлат арбоби сифатидаги образини яратиш учун асарга тарихий шахслар образи билан бирга бадиий тўқима образларни ҳам киритишга ҳаракат қилган. Шу боис, бу асарни ўз даврининг шоҳ романи, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар", "Қуёш қораймас", "Нур қидириб" ва "Навоий" романларида ёзувчининг тенгсиз маҳорати ва истеъдоди томиб турганини кўриш мумкин. Бошқа томондан, ўтган асрнинг 20-йиллари охири, 30-йилларида ўзбек адабиётида авж олган нотўғри қарашлар Ойбекни ҳам четлаб ўтмади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу қаршиликлар унинг "Навоий" романига соя солган жиҳатлари ҳам кўзга ташланади.

Исажон Султон эса "Алишер Навоий" романини ёзишдан олдин жуда катта тайёргарлик кўргани, шу кунгача мавжуд бўлган барча манбалардан ва янги маълумотлардан ўринли фойдалангани сезилиб турибди. Ўзбек ёзувчисининг бу қутлуғ қадами, албатта, биз, афғонистонлик навоийшунослар ва ижодкорларни ҳам жуда қувонтирди.

**— Туркий шоирларнинг асосий анъаналари ва илдизларига қандай тавсиф берасиз? Улар араб ва форс лингвистикаси ва бадиий тимсолларидан кўпроқ ўзлаштирганми? Уларнинг адабий жанрларида қандай ўзига хосликлар бор (масалан, Навоий ғазаллари ҳақида гап кетадиган бўлса)?**

— Мен шоир эмасман, лекин шоирлар сўзларни қофия қурбони қилишларини, айниқса, мумтоз шеъриятда кўриш мумкин. Алишер Навоий эса аруз назариётчиси сифатида ўзбек шеъриятида қўлланилиши мумкин бўлган баҳр ҳамда вазнлар доирасини белгилаб берган буюк мутафаккир шоир ҳисобланади. У аруз баҳрларининг ўзбек халқ оғзаки шеъриятидаги ўлчовлар билан муносабатини ўрганиб, халқ қўшиқлари вазнларининг ёзма ижодда фойдаланилиши мумкин бўлган жиҳатларини белгилаб чиққан. Шу билан бирга, шоир шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган баҳрларга, уларнинг энг халқчил, сержило, оҳангдор, мусиқий вазнларига алоҳида эътибор билан қараб, аксарият лирик шеърларини ушбу вазнлар асосида яратган. Америкалик навоийшунос олим Роберт Деверю сўзи билан айтганда, Алишер Навоий ўзбек шеъриятининг ўзига хос бетакрор ва тенгсиз маҳорат мактабининг яратувчиси сифатида ҳам тан олинган.

Қадимда зиёли кишиларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида бир неча илмлар соҳиби бўлган, шеър ва ғазаллар ёзган. Улар, албатта, сиёсатдан, жамиятдан, иқтисоддан, маданиятдан, тарихдан ҳам жуда яхши хабардор бўлган.

**— Кейинги йилларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига қизиқиш нафақат Шарқ, балки Ғарб оламида ҳам ортиб бораётгани қувонарлидир. Масалан, АҚШда Девин де Вис, Николас Вомсли, Венгрияда Бенедик Пери, Францияда Александр Папас, Марк Тоутант, Японияда Казуаки Кубо ва яна бир қанча олимлар мутафаккир бобомиз ижоди борасида тадқиқотлар олиб борган. Бундай муносабат Ғарб университетлари талабалари ўртасида ҳам мавжуд. Бугун хорижда буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига оид қилинаётган тадқиқотларга муносабатингиз қандай?**

— Хорижда Навоий биз истаган даражада кўп ўрганилмаган бўлса ҳам, лекин хўб ўрганилган. XIX аср Европа навоийшунослигида, айниқса, Катермер, Белен, Вамбери, Браун ишларида Навоий биографияси ва асарлари бир ёқлама, қисман ўрганилган бўлиб, шоир ижоди ўзининг тўла, мукаммал ва тўғри баҳосини олмаган эди. Аммо америкалик шарқшунос-навоийшунос олим Роберт Деверю Ғарб тадқиқотчилари ичида биринчи бўлиб бу фикрнинг бир ёқлама эканини исбот этди. Хусусан, "Алишер Навоий фақат санъат ҳимоячисигина эмас, балки насрда ҳам, назмда ҳам донғи кетган ёзувчи, шоир, тарихчи, танқидчи, шунингдек, иқтидорли рассом, чолғучи, бастакор ҳам бўлган", деб таъкидлайди. У Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси бундан ҳам чуқурроқ экани хусусида тўхталиб, "Муҳокамат ул-луғатайн"нинг ёзилиш тарихи, асарнинг ички тузилиши, ўзбек тилининг тараққиётига кўрсатган таъсири устида кенг фикр баён қилади. Роберт Деверю шарқшунослик соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар яратган америкалик навоийшунос олим ҳисобланади. У чоп этган "Муҳокамат ул-луғатайн" асари жаҳон миқёсидаги энг мукаммал нашр сифатида тан олинади. Олим асарни инглиз тилига таржима қилиб кириш ва изоҳлар билан нашр қилган. Хориждаги айрим шарқшунослар баъзи илмий нашрларда буюк бобомизни тақлидчи шоирга айлантириб қўйган ҳоллар ҳам учрайди, бу олимларнинг ўзбек мутафаккири Навоий ижодини яхши билмасликларидан келиб чиққани ўзбекистонлик навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркиновнинг "Хорижда навоийшунослик" сарлавҳали мақоласида ўз исботини топган.

**— Навоий ижодининг замонавий талқинлари янги назарий қарашлар, жаҳон адабиётшунослигидаги илғор таҳлил усулларига асосланиши лозимлиги бир неча халқаро анжуманларда қайта-қайта таъкидлаб ўтилди. Шу нуқтаи назардан, сиз бугун шоир ижодини ўрганишда қандай замонавий таҳлил методларини таклиф қилган бўлардингиз?**

— Алишер Навоийнинг теран ижоди уммонига ета олиш учун бу буюк мутафаккирга руҳан, маънавий жиҳатдан янада яқинлашиш керак бўлади. Шоирнинг ижоди аксарият адабиётларда, айрим илмий тадқиқотларда, изоҳли луғатлар ва шарҳлар доирасида таҳлил этилган. Ҳолбуки, Навоийнинг ижоди эътиқоди, дунёқараши руҳиятидан келиб чиқиб таҳлил этилиши керак. Шу тариқа мутафаккир даври анъаналари ичида яшаб, унинг бадиийятини табиий равишда қабул қилиб олиш мумкин бўлади. Зеро, Алишер Навоий шахсияти ва ижоди ўтмишимизда кечган буюк ҳодиса экани боис, ушбу жараённи дунё маданияти ва адабиётининг дурдонаси сифатида ўрганиш ўта муҳим.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246.
14119 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:45